O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 5 август, № 153 (5068) Пайшанба

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Гулистон:
ГЎЗАЛЛИК ВА ОБОДЛИК ШАҲРИ

Мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрликлари туфайли юртимизнинг барча жойлари каби Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистон шаҳри ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Озод юртнинг обод манзиллари

Гулистон ҳозирги кунда жаҳон шаҳарсозлиги ва миллий меъморчилигимиз анъаналарини ўзида мужассам этган, исми-жисмига монанд, замонавий шаҳарга айланди.

— Юрагимдаги бир гапни айтай, — дейди икки аср юзини кўрган, чеҳрасида нур балқиб турган Бектурсун ота Пирматов. — Шаҳримиздаги ҳамма ишларимиз, қурилишларимиз муҳтарам Президентимизнинг ҳаётбахш қарорлари, ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ. Давлатимиз раҳбари неча марта вилоятимизга, шаҳримизга ташриф буюрган бўлсалар, изларидан ҳар гал катта бунёдкорлик ишлари, йўллар, кўприклар, зўр-зўр иншоотлар қурилиши бошланиб кетади. Узоққа бормай, биргина Ўзбекистон шоҳкўчасини олайлик. Истиқлолгача иккита юк машинаси рўбаро келиб қолса, на ўтолмай, на қайтолмай қоладиган тор, ўйдим-чуқур, ён-атрофи пана-пасқам, нураган гувала деворли уйлардан иборат, кўримсизгина кўча эди. Юртбошимиз мустақилликнинг илк йилларида Гулистонга келганларида "Энди сизларга, сирдарёликларга бундай йўллар ярашмайди. Узоқни кўзлаб, қадамларингни каттароқ олинглар", дедилар. Мутасаддилар, меъморларга ўзларининг шаҳарни қайта қуриш билан боғлиқ қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқларини бердилар. Орадан кўп ўтмай, шаҳримиз улкан қурилиш майдонига айланди... Мана, энди кўринг. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси жойлашган маҳобатли биномизга бир қаранг, қанчалар кўркам, улуғвор! Унинг ёнидаги миллий меъморчилигимиз ютуқларини ўзида акс эттирган иншоот — Маънавият тарғибот маскани. Тантаналар саройи, бизнес маркази... Кўп қаватли турржойлар, маданий-маиший, савдо, сервис шохобчалари... Одамларнинг неки эҳтиёжлари бўлса, барчасини қаноатлантирадиган серфайз, ораста маҳалла гузарлари, тўйхоналар... Оқшомлари кўпинча шаҳримиз кўча-хиёбонларини пиёда айланиб юраман. Роҳат қиламан. Ҳар қадамда қурилиш, ўсиш-ўзгариш. Бугун ўтган кўчангизни эртаси куни таниёлмай қолишингиз ҳеч гап эмас. Шаҳримизга боқиб, яшариб кетгандек бўламан, кўксим ғурурга тўлади. Келажакни кўра биладиган мард, доно Юртбошимизни дуо қиламан. Ёшлар билан учрашувларда эса "Мустақиллигимизнинг қадрига етинглар, асраб-авайланглар, Президентимизга муносиб бўлинглар", дейман.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга доир қисмининг ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

ЕР – ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Қўшма мажлисда ерлардан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлашда, фермер хўжаликларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга ер участкаларини беришда, ер участкаларини бериш тартиби ва шартларига амал қилишда, тупроқнинг сифати ва унумдорлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг нормаларига риоя этиш масалалари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ер ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларини рўёбга чиқаришда давлат томонидан ёрдам бериш чоралари муҳокама қилинди.

Қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимизда ғоят муҳим табиий ресурс, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва фаолиятининг асоси бўлмиш ер фондини сақлаш, тупроқнинг сифатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини ошириш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Зарур қонунчилик базаси яратилган бўлиб, у ер муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинишини, ер ресурсларидан оқилона фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилинишини таъминламоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш асосида тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 43-моддасига мувофиқ, Фарғона вилоятида шу йил 1 январь ҳолатига кўра, қишлоқ хўжалиги ерлари таркибига 567616 гектар ер ажратилганлигини, шуларнинг 248681 гектарини қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган суғориладиган ерлар ташкил қилишини қайд этдилар. Вилоятнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ унумдорлигининг бонитети ўрта ҳисобда 56 баллни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига мўлжалланган ерлар фермер хўжаликларига берилган. 2008 — 2009 йилларда фермер хўжаликлари оптималлаштирилганлиги натижасида вилоятнинг пахта ва ғалла экинлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига қарашли ер майдони ўртача 71,7 гектарни ташкил этмоқда. Ҳозир вилоятда 10131 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

Бугун бухоролик фермерлар, механизатору мироблар, қўйингки, барча қишлоқ меҳнаткашлари далага танда қўйишган, десак, асло хато бўлмайди. Улар ғўза парваришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган август ойидаги агротехника тадбирларини ўз вақтида бажариш, ҳосилга ҳосил қўшиш ниятида астойдил меҳнат қилишмоқда.

ҒЎЗАГА ҲАМ МЕҲР КЕРАК

Хусусан, биз жорий йилда 33 гектар ерда пахта етиштираяпмиз. Ғўза бир текисда ривожланаяпти. Ҳар тупда 10-12 тадан тўқ кўсак, кўплаб ҳосил тугунчалари мавжуд. Бироқ кўп йиллик тажрибадан маълумки, август ойида сира хотиржамликка берилмаслик керак. Билсангиз, ғўзанинг бугунги ҳолатини бир коса сувга қиёслаш мумкин. Августда қилинган меҳнат эса бу сувни дур-гавҳарга айлантиради.

Шу боис ҳозирги тиғиз, масъулиятли damларда "Ғўза парваришида хатоликка йўл қўймаяпмизми, сув меъёридами, озуқа етарлими?" деган ўй-фикрлар билан яшаб, дала бошидан кетмаяпмиз. Майдонларни бегона ўтдан тозалаш, экинни "шарбат" усулида суғоришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бухоронинг иқлим шароитида бу жуда катта аҳамиятга эга. Негаки, августдаги гармсел — ғўзанинг ёви. Ғўза сувга чанқаб қолса, гулини ташлайди. Оқибатда ҳосилдорликка путур етади. Биз бунга йўл қўймаяпмиз. Натижада экиннинг ривожи аввалги йилларгига қараганда 10-12 кун олдинда бўлишига эришдикки, ҳатто айрим майдонларда кўсаклар "кўз ёрди".

Буларнинг бари, албатта, ишчиларимизнинг фидокорона меҳнати самараси. Шу боис уларга ғамхўрлик қилиш масаласи ҳамиша эътиборимизда турибди. Жумладан, яқинда шартнома режасидан ортиқча етиштирилган ғалла ҳисобидан уларга меҳнатига қараб 400-500 килограммдан бир тоннагача буғдой тарқатдик. Маошларини ўз вақтида бериб бораяпмиз. Ғалладан бўшаган тўрт гектар ерда сабзавот етиштираяпмиз. Бир гектар майдонга эса Голландиядан келтирилган картошка уруғини экдик. Булар ҳам фермер хўжалигимиз аъзоларининг моддий манфаатдорлигини оширади, албатта.

Мақсадимиз — ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб пахта ҳосили олиш. Шу ниятда ғўза парвариши обитобида олиб борилаяпти. Зеро, ғўзага ҳам меҳр керак. Экиндан меҳр-мурувватини аямаган киши эса асло доғда қолмайди.



Дилмурод БАҲРОНОВ,
Ромитан туманидаги «Амиробод» фермер хўжалиги раҳбари.

ЭКИН ДЕҲҚОН МЕҲНАТИДАН ЯШНАЙДИ

Деҳқончиликда ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароити инобатга олиниб, иш тутилмаса, кутилган натижага эришиш мушкул. Айтайлик, Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пахта етиштиришнинг ўзига хос нозик жиҳатлари бор.

Негаки, Қизилқум кенгликларига туташиб кетган майдонларда ғўза парваришида кичик бир хатога йўл қўйилса борми, ҳосил салмоғига жиддий путур етиши ҳеч гап эмас. Буни чуқур тушунган фермерларимиз август ойида муҳим агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказиш мақсадида кунни тунга улаб меҳнат қилишмоқда.

Қарангки, бунинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланиб қолди: 35800 гектар майдондаги ғўзанинг ҳар тупида ўртача 11-12 тадан тўқ кўсак бор. Лекин очиқ айтиш керак, бу мўлжалдаги ҳосил тўпланди, дегани эмас. Муддаога эришиш учун ғўза парваришини янада кучайтиришимиз керак. Нега деганда, августга қадар қилинган меҳнат бир томону ушбу ойда бажариладиган юмушлар бир томон. Ахир **"Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой"** деб бежизга айтилмаган-да.

Айни пайтда ғўзани зараркунанда ҳашаротлардан муҳофазалашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда экологик жиҳатдан безарар усул — биологик усул кенг қўлланилмоқда. Мавжуд 11 биолабораторияда етарли миқдорда "Трихограмма", "Бракон" ва "Олтинкўз" етиштирилиб, далаларга чиқарилмоқда. Ҳар бир майдонга тегишли ходимлар бириктирилган бўлиб, улар касаллик белги берган ҳудудларни тез аниқлаш қаторида зараркунандаларни бартараф этишда фаол қатнашмоқдалар.

Қисқача айтганда, шу кеча-кундузда фермерларимиз ой охирига қадар экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш тадбирларини амалга ошириш билан бирга, ривождан орқада қолаётган айрим майдонлардаги экинни қўшимча озиқлантириш юзасидан ҳам зарур чораларни кўришмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, ишонамизки, ҳосил баракасини ошириб, мамлакатимиз "оқ олтин" хирмони янада юксак бўлишини таъминлайди.

Маъруф ТОШЕВ,
Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

«ЮРТИНГИЗГА ҲАВАС БИЛАН БОҚАМИЗ»

Мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар мустақиллик йилларида рўй берган ижобий ўзгаришларни кўриб, ана шундай фикр билдиришмоқда.

Халқимиз ҳар бир байрамни ўзгача шукуҳ ва кайфият билан қарши олишга одатланган. Ана шундай муҳим саналар орасида энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш Истиқлол айёмининг ўрни ҳамда аҳамияти бўлакча. Чунки мустақиллик шарофати билан одамларимиз ўз эзгу орзулари рўёбини кўрди, яхши яшаш нима эканлигини ҳис қилди, тинч ва фаровон турмуш тарзи қандай бўлишини, аввало, ўз оиласи мисолида теран англаб етди, хуллас, қадр-қимматини билди. Шунинг учун ҳам юртни обод қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга кексаю ёш кўнгил иши сифатида қараб, ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

Фахр

Ҳозир қаерга борманг, юртдошларимиз юзида қутлуғ шодиёна арафасига хос ажиб бир ҳаяжонни кўрасиз, қизғин тараддуднинг устидан чиқасиз: тўйга тўёна билан деганларидек, яна янги йўллар, кўприклар, маданий-маиший иншоотлар, турржой бинолари қад ростлаяпти, боғу роғлар, кўчаю хиёбонларга турли хил анвойи гуллар экилаяпти. Қисқаси, Ватан ободлиги йўлида барча бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилаяпти. Бизга фахр ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг бундай самаралари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Шу боис тарихий шаҳарларимиздаги бетакрор обидалар қаторида ҳар бир ҳудудда давом этаётган янгиланишларни бевосита кўриш иштиёқида юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар сони ҳам тобора ортиб бораётир.

(Давоми 3-бетда).

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси билан Хитойнинг "Alcatel-Lucent Shanghai Bell Co" компанияси ҳамкорлигида 2010 — 2011 йилларда Ўзбекистонда газ тақсимлаш тизими модернизация қилинади.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, мазкур ишлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бажарилади.

ГАЗ ТАҚСИМЛАШ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

2008 йилда "Alcatel-Lucent Shanghai Bell Co" компанияси "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси билан газ транспорт тизими объектларини лойиҳалаштириш ва уларни тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш бўйича қиймати 77,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шартнома имзолаган эди. Ҳозирги пайтда лойиҳанинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, уни экспертизадан ўтказиш ва манфаатдор томонлар билан келишиш ишлари амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида газ қувурларининг электр кимёвий ҳимояси қайта тикланади, трасса бўйлаб радиоалоқа ўтказилади, сигналларни ВОЛС (оптик толали алоқа линияси) бўйича узатадиган, узунлиги 2 километрлик магистраль тизим ҳамда газ транспорти тармоғи бўйича SCADA тизими (технологик жараёнларни бошқарувчи автоматлашган тизим) ўрнатилган телекоммуникациялар ўтказиш ишлари бажарилади.

(Давоми 2-бетда).

БУГУНГИ ҲАРАКАТ – ЭРТАНГИ БАРАКАТ

Пахтачиликда энг муҳим агротехника тадбирларидан бири — суғориш. У ўз вақтида, сифатли ўтказилса, ҳосил салмоғи ошади. Бу жараёнда хатога йўл қўйилдими, юқори ҳосилга умид боғламаса ҳам бўлади. Чўллатиб қўйилган ғўза майдонларида ҳосилдорлик гектарига ўртача 7-8 центнергача камайиб кетиши тажрибадан маълум.

Аксинча, сув миқдори меъёридан ошиб кетганда ҳам, шундай ҳол такрорланади. Сабаби, кўллатиб суғорилган ерда ғўза ғовлаб кетади. Шу боис асадда, яъни август ойида, айниқса, сувчининг масъулияти янада ортади. Буни ҳисобга олиб, сувчилар сонини уч бараварга кўпайтирдик.

Айни чоғда бошқалар ҳам тунни тонгга улаган ҳолда, бор меҳрини ғўзага бериб, фидокорона меҳнат қилишаяпти. Суғориш, культивациялаш, чеканкалаш каби агротехника тадбирлари бир-бирига уланиб кетаяпти. Масалан, барча майдондаги ғўзаларимиз ҳозирга қадар икки марта суғорилди. Ҳар бир суғориш "шарбат" усулида амалга оширилди. Минерал ўғитлардан ҳам меъёрида фойдаландик.

Қувонарлиси, ғўзанинг ривожи ўтган йилнинг шу даврида-гига нисбатан 12-15 кун олдинда. Бу бир ҳисобда кўкламнинг пахтачилик учун анча қулай келгани билан ҳам боғлиқ. Гап шундаки, бултур апрелнинг ўртасида чигит экишга киришган бўлсак, жорий йилда бу юмушни апрелнинг дастлабки кунларидаёқ тугалладик. Натижада ғўзаларимиз июннинг бошида гулга кирди. Ҳозирги кунда эса ҳар бир туп ғўзада ўртача 8-10 тадан бўлиқ кўсак бор. Улар тез орада оппоқ пахтага айланади.

Бугунги ҳаракат — эртанги баракат, дейишади. Қиёс учун бир далил. Ўтган йили ғўзанинг "Омад" навини парваришлаб, 90 тонна пахтани уруғликка сотгандик. Бу йил эса бундан-да юқорироқ натижани кўзлаяпмиз. Сабаби, 33 гектар майдонда ғўзанинг айнан шу нави уруғлик учун парваришланаяпти.

Албатта, ҳосил ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Шу маънода, август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи эканлигини назарда тутиб, бутун эътиборимизни барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказишга қаратаяпмиз. Чунки пировард натижа кўпроқ бугунги меҳнатимизга боғлиқ эканини жамоамиз аҳли дилдан англаб турибди.

Аслиддин САЛОҲИДДИНОВ,
Жомбой туманидаги «Мадина» фермер хўжалиги раҳбари.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ЭКСПОРТ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎЗГУСИ

2010 йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда экспорт ҳажмининг ўсиши 14,3 фоизни ташкил қилди.

Республикамиз иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларининг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилгани, айниқса, экспорт қилувчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг янги бозорларга фаол кириб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани туфайли шундай юқори кўрсаткичга эришилди.



Гулистон:

ГЎЗАЛЛИК ВА ОБОДЛИК ШАҲРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Катта йўлнинг четроғида қурилиш кетаяпти. Гарчи бино битмаган эса-да, Гулистон шаҳри байрамгача яна бир гўзал, муҳташам иншоот билан бойиши шундоққина кўриниб турибди.

— Бу "Ёшлар маркази" бўлади, — дейди фикримизни уққандек шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Алиқулов. — Бино ортидаги улкан сузиш ҳавзаси ҳам битиб қолаёзди. Бу жойни ёшларимиз келиб, ҳордиқ чиқариб, ўз истеъдодларини намойиш этадиган эртакмонанд бир жойга айлантирмоқчимиз.

Шуҳратжоннинг айтишича, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида жаҳоншумул, тарихий ишлар амалга оширилаётир. Қатрада қуёш акс этганидек, бу ишларнинг бир қисмини Сирдарёда, шу жумладан, Гулистонда ҳам кўриш мумкин. Сўнгги йилларда шаҳарнинг 4-мавзесида талабалар шаҳарчасига асос солинди. Гулистон давлат университети, бир эмас, бир неча коллеж, лицейларнинг бири-биридан кўркам бинолари, кўп қаватли, ҳамма шароитлар муҳайё ётоқхоналар, маиший хизмат ва савдо мажмуалари Гулистонга, бу дилбар шаҳарнинг кўрку чиройига ярашиб, ярқираб турибди. Ана шу муҳташам бинолар орасида, шаҳар ичида бир шаҳар борки, бу ҳақда тўхталмасликнинг асло иложи йўқ. Бу Юртбошимиз ташаббуслари билан Гулистон шаҳрида мамлакатимизда биринчи бўлиб бунёд этилган "Болалар шаҳарчаси"дир.

"Болалар шаҳарчаси" раҳбари Покизахон Аҳмаджонова билан танишиб, инсон боласининг исми жисмига мос тушгани қанчалар яхши, деган ўй хаёлимиздан чақмоқдек ялт этиб ўтди. Бири-биридан олисроқ қурилган, болаларнинг яйраб, яшнаб улғайишлари учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё уй-жойлар, турфа гулзор, хиёбонлар, ёғ тушса ялагудек йўлу йўлкалар... Гулзорлар, йўлаклар четига ҳавасга райҳон экиб, ҳавасга парваришлашибди. Қора райҳон гулдевор тусини олиб, гуркураб ётибди. Дарвозадан киришингиз билан райҳон иси димоғингизга "гуп" этиб урилади. Қўлингиз учини унинг симсиёҳ баргларига салгина теккизиб қўйсангиз борми, хуш уфор сизни анча ергача кузатиб боради. Руҳингизни кўтариб, дилингизни яйратади. Яна... Мўъжазгина боғ. Ўрик, олма, гилос каби мевали кўчатлар, сабзи, пиёз, картошка, карам, кўкат сингари неъматлар... Ҳаттоки, бодринг, қовун, тарвуз, ошқовоқ каби полиз экинларигача бор. Бу боққа, бу экин-тикинларга онажонлари раҳбарлигида болаларнинг ўзлари қарашади. Шу орқали меҳнатга қайишиб, офтобда тобланиб, илиги тўлиб, меҳнатнинг нони тўйимли, тотимли бўлишини туйиб ўсишади кичкинтойлар.

— Ҳомийлар кўмагида чорва учун бино қурдик, — дейди Покизахон. — Бугун-эрта уч-тўрт бош сигир сотиб олмоқчимиз. Бундан буён сут, қатиқ, қаймоқ ўзимиздан чиқади.

"Болалар шаҳарчаси" рўпарасида мусиқа ва санъат мактаби ҳам қуриляптики, бу болаларнинг куй-қўшиққа, ранглар оламига уйғун ўсишида жуда-жуда асқотади. Мусиқага мойил кўнгилга фаришталар эргашиб юради, эзгулик, гўзаллик доимо ошно бўлади.

Дўстлик канали янги "Талабалар шаҳарчаси" билан Гулистон шаҳрининг қоқ ўртасидан оқиб ўтади.

— Гулистон кечаги чўлда, теварагида қамиш ўсиб ётадиган бўз, шўрхок ерлар, ачима қўллар ўрнида оталаримизнинг пешона тери, кучли иродаси, матонати билан ташкил топган шаҳар, — дейди яна бир ҳамроҳимиз, шаҳар ҳокимлигининг етакчи мутахассиси Нарзулла Худойназаров. — Ер ости сизот сувлари яқин бўлгани учун баҳор келди дегунча, ён-атрофга зах тепчиб, ҳаммаёқни шўр босиб кетар, эккан дов-дарахтларимиз, гулларимиз ёзга чиқиб қуриб, қовжираб қоларди. Президентимиз 2004 йили вилоятимизга келганларида мутасадди раҳбарлар диққат-эътиборини худди шу оғир муаммога қаратдилар. Шаҳардаги ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувларини қочириш масаласи кун тартибига қўйилди. Мутахассисларнинг аниқ ҳисоб-китобидан кейин давлат хазинасидан 2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шаҳардаги узоқ йиллардан буён тўлиб ётган зовурлар қайтадан кавланди. 48 та тик дренаж, 5600 метр ёпиқ, 11300 метр очиқ коллекторлар тўлиқ таъмирланди. Канал ёқасидаги уйларга, жамоат биноларига сув тепчиб кетаётганини ҳисобга олиб, ҳар икки қирғоққа зах сувларни йиғиб, чиқариб юборадиган коллекторлар кавланди. Шу тариқа, биз гулистонликлар зах балосидан қутулдик.

— Шаҳримиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминланиши масаласи-чи? — гапга қўшилади Ш. Алиқулов.

— Бу ҳақда Президентимизнинг алоҳида қарори чиққан, — эслайди Нарзулла. — Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобига маҳаллаларимизда 49 километрлик сув тармоқлари тортилди. Бу иш шу йилнинг биринчи чорагида ниҳоясига етказилиб, хонадонларимиз тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

— Бугун Гулистон саноат шаҳри, — дейди ғурур билан Шуҳрат Алиқулов. — Шаҳримиздаги "Мини Гулистон текстиль", "Сарруна Текстайлс", "Нафис либос" каби ўнлаб қўшма корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган сифатли, харидоргир маҳсулотларни нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади.

Шундай. Мустақиллик берган катта имкон туфайли Гулистон шаҳри, кечаги Мирзачўл бугун дунёга бўйлаяпти, ўз навбатида, дунё ҳам Гулистонга талпиняпти. "ПАНА" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган уч ғилдиракли юк мотоцикллари-ни бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида учратиш мумкин. Йилига 4500 тонна қалава ип ишлаб чиқариш қувватига эга, хорижий инвесторларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қурилиб, RITER ва TAVOTA каби оламга машҳур фирмалар дастгоҳлари ўрнатилаётган "Барака текстиль" хорижий корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш арафасида.

Нафақат Гулистон ёки Сирдарё шаҳрида, балки мамлакатимизда ҳам йирик корхона ҳисобланадиган, терини қайта ишлаб, 700 минг жуфт эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари ҳамда 7 миллион квадрат метр керамика плитаси ишлаб чиқарадиган "Пенг-Шенг" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳам тез орада ишга тушади.

Гулистон кўчасидан Алишер Навоий номидаги кўчага ўтаётганимизда, шаҳарга алоҳида кўрк-тароват бағишлаб турган "Алпомиш" спорт мажмуаси эътиборимизни тортди. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" мусобақаларини эсладик. Шаҳардаги муҳташам стадионлар, сузиш ҳавзалари, бокс мажмуаси, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида минг-минглаб спортчи ёшлар вояга етмоқда.

Шаҳарда ҳаёт қайнайди.

Қурилиш, бунёдкорлик ишлари бир маромда давом этади.

Гулистонга кираверишдаги каттагина ҳудудда йирик савдо мажмуаси қурилиши жадал бормоқда. Бу мажмуада 120 та дўкон, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилади. Мажмуа ўз ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам эга бўлади.

Марказий деҳқон бозорида сўнгги реконструкция ишлари бормоқда.

Кўп тармоқли болалар шифохонаси. Вилоят перинатал маркази. Қон қуйиш станцияси...

Булар байрам арафасида ишга тушадиган бино-иншоотлар. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Шаҳарнинг қаерига қараманг, қурилиш, ўзгариш, янгиланиш...

Гулистоннинг ҳамиша гавжум ва серфайз кўчаларини, турфа гуллар, дов-дарахтлар билан безанган сўлим боғ ва хиёбонларини айланиб, бири-биридан кўркам ва муҳташам биноларига боқиб, меҳнаткаш, софдил, бағрикенг сирдарёликлар билан дилдан гурунглашарканмиз, уларнинг ҳар бири қалбида улуғ Истиқлолдан шукроналик, мард ва танти Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган, инсон ва унинг манфаатлари билан боғлиқ улкан бунёдкорлик ишларидан чуқур миннатдорлик, чексиз ғурур, фахр ва ифтихор туйғусини ҳис этдик.

> Истиқлол нуридан гуллаб, гуркураётган Гулистон шаҳри, мард, меҳнаткаш, ғурурли, азму шижоати баланд сирдарёликлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодиёналарига ёруғ юз билан пешвоз чиқмоқдалар.

Али ЗИЁДОВ.

ЕР – ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008 — 2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида вилоятда тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ҳамма жойда ер ресурсларидан мақсадли, оқилона фойдаланилиши ҳамда уларнинг муҳофаза қилиниши устидан давлат назорати таъминланмоқда.

Шу билан бирга, қўшма мажлисда сенаторлар Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга доир қисмининг ижро этилишидаги мавжуд айрим камчиликларга эътиборни қаратдилар.

Қўшма мажлисда сўзга чиққанлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, шунингдек, бошқа манфаатдор ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва корхоналар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга доир қисми талабларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш борасидаги ишини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ресурсларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан қаттиқ давлат назоратини таъминлаш бўйича бир қатор таклифларни билдирдилар. Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қўшма қарор қабул қилинди.

Қўшма мажлисда сенаторлар, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг депутатлари, халқ депутатлари туман Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарининг тегишли вилоят бошқармалари ва ташкилотларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзА).

ГАЗ ТАҚСИМЛАШ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ишлар доирасида SCADA тизимига 5 та компрессор станцияси ва 86 та газ тақсимлаш станцияси, 109 та кран узели, 6 та ҳудудий, битта марказий ва битта захира бошқарув пунктини улаш мўлжалланмоқда. Шунингдек, видеокузатиш ускуналарини монтаж қилиш, автоматларини рилган телефон станцияси (АТС) ва бошқа тегишли объектларни қуриш кўзда тутилган.

Лойиҳа Хитой Эксимбанкининг 73,6 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит маблағлари ҳамда "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг 7,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси таркибига киради. Компания магистраль газ қувурларига эга бўлиб, унинг тасарруфида 24 та компрессор станцияси ва 300 дан зиёд газ тақсимлаш станциялари мавжуд.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

Шинам шийпонлар

Пахтакор туманидаги "Навбаҳор" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида 2 та дала шийпони қуриб битказилди.

Қулайлик

"Абдулла — Мутал" ҳамда "Бекзод-Р" фермер хўжаликлари ишчи-хизматчилари фойдаланаётган янги дала шийпонида уларнинг ҳордиқ чиқаришлари, маданий дам олишлари, бўш пайтларини мазмунли, мароқли ўтказишлари учун зарур шароитлар яратилган.

Кенг экинзорлар ўртасида қад кўтарган кўркам комплексни вилоятдаги "Мерос" кўп тармоқли хусусий фирмаси ва "Зокир-Отабек" МЧЖ қурувчилари барпо этишди. Унинг қурилиши учун 135 миллион 596 минг сўмлик иш бажарилди.

Баҳриддин САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Ўзбекистон: инсонпарварликнинг юксак намунаси" («Узбекистан: проявление высокого духа гуманизма») тўплами нашр этилди.

«ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ»

Маълумки, шу йил 11 — 15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар бутун халқимизда катта ташвиш ва безовталик уйғотди. Мамлакатимиз Президенти томонидан ўз вақтида қатъият билан кўрилган амалий чора-тадбирлар туфайли бу фожианинг янада кенг тус олиб, бутун минтақамизга ёйилиб кетишига йўл қўйилмади.

Халқимиз, давлатимиз томонидан юртимиз ҳудудига қочиб ўтган жабрдийда инсонларга барча шароитлар яратилиб, уларга ҳар томонлама ёрдам берилгани жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида баҳоланди.

Тўпламдан ана шу воқеаларга доир энг муҳим сиёсий материаллар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун, АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон билан телефон орқали қилган мулоқотлари, Қирғизистон Республикаси ўтиш даври Президенти Р. Отунбоевага юборган телеграммаси, Бухоро вилояти, Вобкент тумани қишлоқ меҳнаткашлари билан суҳбат пайтида билдирган фикр-мулоҳазаларининг ўзбек ва рус тилидаги матнлари ўрин олган.

Шунингдек, Қирғизистондаги воқеалар муносабати билан мамлакатимизда қабул қилинган расмий ҳужжатлар, давлатимиз раҳбари номига БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиси Анита Нироди, Кембриж университети профессори, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сидхарт Саксена томонидан юборилган мактублар, халқаро ва хорижий таҳлилчилар, жаҳон жамоатчилиги, ўзбекистонлик маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, журналистлар ҳамда оддий касб эгаларининг мазкур хунрезликларга муносабатлари ҳам тўпламга киритилган.

Бу китоб ҳозирги мураккаб даврда барчамизни келгусида минтақамизда бундай даҳшатли фожиаларга йўл қўймасликка, юртимиздаги мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этади.

Тўплам нодавлат нашриёт — "Turon iqbol" масъулияти чекланган жамияти томонидан 5 минг нусхада чоп этилди.

Ш. ОРТИҚОВ.

Риэлторлик:

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси томонидан "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва такомиллашуви унинг муҳим сегменти бўлган кўчмас мулк бозорини шакллантирди. Кўчмас мулк бозорининг тўлақонли фаолият юритишида эса, айтиш жоизки, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш ва улар бўйича битимларни тузиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатишга талаб ортаётир. Иқтисодиётнинг ривожланиши, уй-жой фонди, нотураржой ва ишлаб чиқариш объектларининг бозор оборотига киритилиши, қолаверса, хўжалик юритишдаги туб ўзгаришлар, ўз навбатида, ушбу хизматларнинг турлари ва кўламини кенгайтирди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Шу хусусда сўз борган давра суҳбатида кўчмас мулк бозорида кўп сонли воситачилар фаолият юритаётганлиги ҳамда риэлторлик хизматлари ҳажмининг катталигини инобатга олган ҳолда, мазкур фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий базани янада ривожлантириш кераклиги айтиб ўтилди.

— Булар нафақат риэлторлик институтининг, балки миллий кўчмас мулк бозорининг барқарор ривожланишига ҳам замин яратади, — дейди мазкур қўмита аъзоси, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Н. Алимов. — Ушбу давлат аҳамиятига молик муаммони ҳал этиш учун кўчмас мулк бозори иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг тизимли асосини яратувчи ва унинг самарали ривожланишини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Айтиш жоизки, ҳозирда мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилиниб, уни Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида депутатлар, вазирлик ва идора вакиллари ҳамда мутахассислар иштирокида иккинчи ўқишга киритиш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, тадбирда риэлторлик фаолиятини лицензиялаш, риэлторлик хизматлари турларини аниқлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш механизмлари ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий меъёрларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар берилди.

Зиёда АШУРОВА.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишлардан бири эканлигини алоҳида қайд этган эдилар.

Фуқаролик жамияти:

ИЗЧИЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Дарҳақиқат, халқимиз танлаган давлат ва жамият инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устувор этиб белгиланган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" дастурини янада изчил амалга ошириш бугунги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантириш, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига интеграциялашувини тақозо этмоқда.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш асосий стратегик мақсад этиб белгиланди. Юртимиз тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмаларининг мустақил фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Шу билан бирга, республикада фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлари қисқа муддатларда миллий қонунчиликда ўз ифодасини топди. Давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўймаслиги қонун меъёрлари билан мустаҳкамланди. Шу тариқа фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари пайдо бўлди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида ўзига хос синовлардан ўтилиши табиийдир. Чунки мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик асоратлари ҳали кучли эди. Шунингдек, халқнинг янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси ҳали етишмаганлиги, руҳияти ва сиёсий маданиятида эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш зарурати вужудга келди. Ана шундай шароитда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида фуқаролик жамияти барпо этишнинг концептуал назарий асосларини ўзида ифода этувчи "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ишлаб чиқилди.

Сир эмаски, фуқаролик жамияти ҳар бир мамлакатнинг миллий қадриятлари, халқнинг менталитети ва анъаналарини ўзида ифодалаши зарур. Шу маънода, Президентимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида таъкидлаганидек, биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди.

Ислоҳот

Юртбошимизнинг ушбу дастуриламал кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ўтган даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнини янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий давлат қуришда сиёсий соҳани янада эркинлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди ва унинг бир қатор йўналишлари белгиланди. Натижада мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан юксалди. Ҳозирда мамлакатда 4 та сиёсий партия, 5 мингдан ортиқроқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам демократик тамойиллар асосида ривожланиб бормоқда. Республикада 10 мингга яқин қишлоқ, овул, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улардан 8142 таси фуқаролик жамиятининг энг оммавий ва халқчил институти сифатида ривожланаётган маҳаллалардан иборатдир.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, мамлакатда кучли фуқаролик жамияти, унинг демократик қадриятлар асосидаги ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди ҳамда ушбу жараён янги босқичга кирди. Хусусан, республикада икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғлиқ ҳолда нодавлат ва жамоат ташкилотларини ижтимоий табақа, гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятнинг доимий барқарор ривожланишига замин яратиш, фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш учун ижтимоий ҳамда сиёсий майдон яратилди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат томонидан кафолатланиши эса ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар бермоқда. Албатта, бу ўзгаришлар туфайли фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятлардан бири — аҳоли истаклари ва манфаатларини фуқаролик институтлари орқали ифода этишга эришилди. Шунингдек, фуқаролик жамиятига хос бўлган қонунлар қабул қилишнинг ўзига хос имкониятлари юзага келди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси туфайли, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг конституциявий ҳамда ҳуқуқий асослари яратилди. Эндиликда ушбу ислоҳотлар жаҳондаги илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек халқи менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда олиб борилмоқда. Таъкидлаш лозимки, мазкур жараёнларга жамиятни демократлаштириш ислоҳотлари ҳам уйғунлашди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда фуқаролик жамияти пойдеворининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Акбар НАБИРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими.

«ЮРТИНГИЗГА ҲАВАС БИЛАН БОҚАМИЗ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иоахим МУШХОЛЬТ (Германия):

— Жаҳон халқлари тарихига жуда қизиқаман. Ана шу иштиёқ туфайли элликдан ортиқ давлатларда бўлдим, уларнинг анъаналари, урф-одатлари билан яқиндан танишдим. Ўзбекистон ҳақидаги батафсил маълумотларни дастлаб Интернетдан ўқиб, ўргандим. Юртингиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани тўғрисида жуда кўп манбалар гувоҳлик беради. Ҳудудингиздаги мавжуд тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Асосан Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини айланишни ният қилгандим. Режамга Тошкентни ҳам киритдим. Чунки эшитган бошқа-ю, келиб кўрган бошқа экан. Очиғи, пойтахтингизнинг гўзаллигидан кўз юмиб кетолмадим, ҳам ўтмиш, ҳам замонавийлик акс этган шаҳар. Кўкалдош, Абулқосим мадрасалари, Ҳастимом мажмуаси, Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи ва унга туташ хиёбон... Санаб адоғига етиб бўлмайди, ҳаммаси кишида алоҳида таассурот қолдиради. Бундан ташқари, кенг ва равон йўллар, ям-яшил дарахтлару майсалар, юксак дид билан қурилган бинолар халқингизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик салоҳиятининг амалдаги намуналаридир. Бундай мамлакатда яшаётган одамларга ҳар қанча ҳавас қилсанг, арзийди.

Деница ЙОРДАНОВА (Болгария):

— Мен Ўзбекистон бозорларидаги ноз-неъматларни кўриб, ҳайратда қолдим. Расталардаги сархил мевалар, қовун-тарвузларнинг мазасини таърифлашга тил ожиз. Қуёшда пишгани шундоққина билиниб турибди. Деҳқонларнинг тантилиги, қўли очиқлиги, хушмуомалалигини айтмайсизми?! Бизнинг меҳмон эканимизни билиб, ҳар бир харид қилган маҳсулотимизга икки ҳисса қўшиб беришди. Бу ернинг нонлари ҳам ўзгача экан. Ҳатто иссиқ ҳолда сотиб олиш мумкин. Очиғи, шу пайтгача иссиқ нонни татиб кўрмагандим, ажойиб, ҳиди ҳам ёқимли.

Водийнинг сўлим масканларини томоша қилишга борганимизда, миллий таомлардан ош, манти, сомса едик. Пазандалик дегани шунчалик бўлади-да. Қўлда тайёрланган сариёғ, қатиқ, қаймоқдан истеъмол қилдик. Таъми оғзимизда қолди, табиийликка нима етсин?! Биз, одатда, бундай маҳсулотларни супермаркетлардан сотиб оларканмиз-у, ҳақиқий роҳат нимадалигини ҳис қилмас эканмиз. Қашқадарё, Сурхондарё томонларда чорвачилик яхши ривожланган экан. Гўшт пиширишда ҳали бунақасини кўрмагандим. Турли хил кимёвий қўшимчалар билан эмас, табиий зираворлар, арча шохлари билан ишлов берилиб, чўғда тайёрланган гўштдан еган кишининг узоқ вақтгача қорни тўқ юради.

Албатта, юртдаги бундай барака, фаровонлик, хушкайфият тинчлик билан боғлиқ, деб ўйлайман. Тилагимиз, мана шундай бағрикенг халқингиз доимо соғ-омон бўлсин.

Питер Ван ХЬЮМАН (Голландия):

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратларини бартараф этиш ҳалиҳамон аксарият мамлакатлар учун қийин кечмоқда. Йирик корпорациялар, компаниялар ҳар чорак якунлари бўйича эълон қилаётган маълумотларидаги рақамларга қараб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳали қутилганидек натижа бермаётганини англаш қийин эмас. Мана шундай салбий жараёнлар, шубҳасиз, аҳолининг руҳий ҳолатига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди.

Ўзбекистонга келганимда, аввало, одамларнинг юришгуришига разм солдим. Кимдир ўз бизнесини юргизиш билан овора, кимдир деҳқончилиги билан банд, спорт мажмуаларида ёшлар машғулотларда қатнашаяпти, дам олиш кунлари боғу хиёбонлар янада гавжумлашган, оромгоҳлар болаларнинг кулгисига тўлган, хуллас, халқнинг интилиши, кайфияти яхши. Қолаверса, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳам бир маромда давом этаяпти... Бу мамлакат танлаган йўл, сиёсат қанчалар тўғри эканининг амалдаги тасдиғидир.

Биз бир гуруҳ дўстлар биргаликда Тошкент ва бошқа тарихий шаҳарларни айландик. Таассуротларимиз бир олам.

Катерин ЦЮРИГ (Швейцария):

— Мустақиллик майдонининг меъморий ечими мени ҳайратга солди. Эзгулик аркаси, "Мустақиллик ва эзгулик монументи", қўлида фарзандини кўтариб турган бахтиёр она сиймоси, атрофга хушҳаво бахш этиб турган фавворалар, ям-яшил дарахт ва майсалар... Ҳаммаси жуда пухта ўйланган. Майдон меҳмонлар билан гавжум, ҳатто кун иссиқ пайтда ҳам бу ердан одам аримас экан. Менга таржимонлик қилган йигит ушбу бетакрор мажмуа Президент ғояси асосида барпо этилганини гапириб берди. Албатта, ўз халқининг орзу-умидлари, ниятлари, қарашларини чуқур биладиган, инсонпарвар, ғамхўр мамлакат раҳбаригина мана шундай ноёб ансамблни яратишга қодир бўлади.

Бу йил мустақилликка эришганингизнинг 19 йиллиги нишонланаркан. Фурсатдан фойдаланиб, бутун ўзбекистонликларни ана шу байрам билан самимий табриклайман.

«Халқ сўзи» мухбири Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

«UCELL» ТЎРТИНЧИ АВЛОД ТАРМОҒИНИ ИШГА ТУШИРДИ

"COSCOM" ХК МЧЖ (Ўзбекистон Республикасида ўз хизматларини "UCell" савдо белгиси остида кўрсатади) — мамлакатнинг иккинчи уяли алоқа оператори шуни маълум қиладики, LTE (Long-Term Evolution) протоколи асосида ишлайдиган тўртинчи авлод (4G) уяли алоқа тармоғини ишга туширди. Энди компания 100 Мбит/сгача тезликни таъминлаб берувчи ўта тезкор янги авлод технологияси асосида хизматларни таклиф этиш имкониятига эга.

Айтиб ўтиш жоизки, "UCell" Европадаги энг йирик компаниялардан бири бўлмиш "TeliaSonera" таркибига киради. Айнан "TeliaSonera" 2009 йилда жаҳондаги илк 4G тармоғининг тижорат хизматларини Стокгольм ва Осло шаҳарлари абонентлари учун ишга туширган эди. 2010 йилда мазкур компания 4G тармоғини янада кенгайтириб, Швециядаги 25 шаҳар ва дам олиш масканлари ҳамда Норвегиядаги 4 та шаҳарда амалга киритмоқда.

— Ўзбекистон тўртинчи авлод уяли алоқа тармоғига эга жаҳондаги оз сонли давлатлар орасидан муносиб ўрин эгаллаганидан мамнунмиз. "TeliaSonera" ойласи аъзоси сифатида энг илғор технологияларни татбиқ этиш ва сифатли уяли алоқа билан бирга, юқори тезликдаги ахборот алмашиш имкониятларини яратиш мақсадига эришдик, — деди "COSCOM" ХК МЧЖнинг бош директори Огуз Мемигювен. — "UCell" мижозларга 4G асосида янги ва қизиқарли хизматларни таклиф этиш устида ишлайди ва бизнинг абонентларимиз юқори тезликдаги ахборот алмашиш имкониятларидан тўла фойдалана олади.

"UCell" ўз 4G тармоғини муваффақиятли текширувдан ўтказиб, мазкур текширув жараёнида "онлайн" видео кўриш, катта ҳажмдаги файлларни узатиш, Интернет тармоғига кириш каби юмушлар амалга оширилди. Текширувлар шуни кўрсатдики, 4G тармоғи тезлиги ҳозирда ишлатилаётган 3G тармоғидан тахминан 10 баробар каттадир. "UCell"нинг 4G тармоғи учун жиҳозларни уяли алоқа ва умуман, телекоммуникация жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бўлмиш "ZTE Corporation" таъминлаб берди. "UCell" ўз 4G тармоғини янада кенгайтириш ишларини олиб боришни ҳам режалаштирган.

4G/LTE — Long Term Evolution (LTE) ва System Architecture Evolution (SAE) технологиялари учун 3GPP стандартларига асосланган. 4G тармоғи тезликни 20-80 Мбит/с орасида, максимал эса 100 Мбит/с атрофида таъминлаб беришга қодир.

Беҳзод РАҲМАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига асосан, 2010 йилда нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси спортчи ва мураббийлари ҳамда спорт делегациялари раҳбарлари учун спорт формаларини харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилади.Унда сифат ва баҳо борасида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имкониятига эга бўлган, ҳам хорижий, ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки маҳсулот етказиб берувчи барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайди:

— қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
— малакали танлов учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этмаганлар;
— Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан илгари тузилган шартнома бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;
— тендер савдоси эълон қилинган кунга қадар ташкил этилганига 6 ой бўлмаганлар;
— айни вақтда суд ёки арбитраж жараёнларига жалб этилганлар.

Тендер савдоларининг ўтказилиш тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй,
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
Телефонлар: (8-371) 239-45-99, 239-40-70, 239-44-96.

Тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдорида пул ўтказиш йўли билан, қайта қопланмайдиган комиссион тўловни амалга оширгач, тендер ҳужжатлари пакетини олишлари мумкин.
Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг банкдаги реквизитлари:
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бошқармаси,
х/р: 23402000400100001006, ХККМ Марказий банк бош бошқармаси,
Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР: 201122919.

Барча тендер таклифларига тендер таклифи суммасининг 2 (икки) фоизи миқдоридаги бўнак суммаси бириктирилган бўлиши керак. Бўнак суммаси бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Бўнак суммалари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига 2010 йил 3 сентябрь соат 15.00 дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдосида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайди.

Тендер савдолари ўтказиладиган жой ва сана тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан қўшимча тарзда барча тендер савдолари иштирокчиларига маълум қилинади.

Тендер савдосида харид қилинадиган 1 комплект спорт экипировкасининг энг юқори (максимал) нархи

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Энг юқори нархи
1.	Бейсбол кепкаси	2 дона	
2.	Куртка	1 дона	
3.	Футбол майкаси	2 дона	
4.	Пайпоқ	2 жуфт	
5.	Пахта толали матодан тайёрланган спорт костюми	1 тўплам	1 039 500 сўм
6.	Синтетик матодан тайёрланган спорт костюми	1 тўплам	
7.	Спорт пойабзали (кроссовка)	1 жуфт	
8.	Спорт сумкаси	1 дона	
9.	Теннис майкаси (Polo)	1 дона	
10.	Шорти	1 дона	

Тендер комиссияси.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бозор яқинида хунрезлик

Ироқ жанубидаги Эль-Кут шаҳридаги бозор ёнида иккита портлаш содир бўлди.

Оқибатда 30 киши ҳаётдан кўз юмди, 80 дан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олди. "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига кўра, доимо одамлар билан гавжум бўладиган ушбу ҳудуд яқинига портловчи қурилма жойлаштирилган иккита автомобиль қўйиб кетилган. Ускуналар деярли бир вақтда ҳаракатга келтирилган. Хунрезлик туфайли атрофдаги дўконлар, транспорт воситаларига ҳам жиддий шикаст етган.

Ҳайдовчилар норози

АҚШдаги бир неча ҳайдовчилар "Фольксваген" компаниясининг 2002-2003 йилларда ишлаб чиқарилган "Пассат" русумли автомобилларида айрим нуқсонлар борлиги юзасидан мамлакат Йўл ҳаракати хавфсизлиги миллий маъмурий бошқаруви(NHTSA)га мурожаат қилишган эди.

Ташкилот ушбу масалани ўрганиш бўйича дастлабки ҳаракатлар бошлаб юборилганини билдирди. Истеъмолчилар эътирозига сабаб шуки, автоулов қўзғалиш чоғида қутилмаганда қувватини йўқотади. Бундан ташқари, ҳаракатланиш чоғида унинг мотори тўсатдан ўчиб қолади. Агарда мана шу камчиликлар тасдиқланса, "Фольксваген" 199 мингта "Пассат"ни қайтариб олишига тўғри келади, дейилади "Autonews" нашри хабарида.

Айтиш жоизки, компания бундан икки-уч йил олдин ҳам худди шу русумдаги маҳсулотининг бошқа нуқсонлари сабаб 412 мингта машинани қайтариб олишга мажбур бўлганди.

Иш жойларига қайтишмоқда

Грецияда юк машиналари, жумладан, ёнилғи ташувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари аста-секин иш жойларига қайтишмоқда.

Маълумки, деярли бир ҳафта давомида соҳа ходимлари иш ташлаганликлари натижасида мамлакат ҳудудларига ёнилғи, ҳом ашё ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришда жиддий муаммолар юзага келди. Оқибатда қатор корхоналар ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатишга мажбур бўлган, далаларда ҳосилни йиғиб олиш жараёнлари секинлашиб қолганди. Туризм ҳам жиддий зарар кўрди.

Намойишлар юк ташиш бозорини либераллаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар боис келиб чиқди. Бу ҳолат ҳайдовчиларни нафақага чиқиш олдидан лицензияларини сотиш имкониятидан маҳрум қилиши мумкин. Мисол учун, мамлакатда ёнилғи ташиш машинасини бошқариш ҳуқуқини берадиган лицензия нархи 300 минг евро турар экан.

Финалчилар жазоланди

Футбол бўйича ЖАРда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати финалчилари — Испания ҳамда Голландия терма жамоалари 11 июль кунги якуний баҳсда қилган интизомсиз ҳатти-ҳаракатлари учун жаримага тортилдилар.

Вакилларининг кўпол ўйини учун Голландия футбол федерацияси 14480, Испания футбол федерацияси эса 9650 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлайдиган бўлди. Ушбу қарор ФИФАнинг назоратинтизом қўмитаси томонидан чиқарилди.

Финалда "лолалар мамлакати" футболчиларидан бир нечтаси сариқ карточка билан огоҳлантирилган бўлса, бир ўйинчи майдондан четлатилди. Испанияликлардан эса беш киши сариқ карточкага лойиқ кўрилди. ФИФА қоидаларида агар жамоалар вакиллари бешта ёки ундан ортиқ сариқ карточка олса, интизомсизлик учун жаримага тортилиши белгилаб қўйилган. Эслатиб ўтамиз, ЖЧ — 2010 финалини англиялик ҳакам Ховард Уэбб бошқарганди.

«Қора олтин» қимматлашди

Жаҳон бозорларида нефть нархи сезиларли даражада ошди.

Хусусан, Нью-Йоркдаги хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида "WTI" типидаги "қора олтин"нинг бир баррели баҳоси 1,21 АҚШ долларига қимматлашиб, 82,55 АҚШ долларидан сотилди.

"ICE Futures Europe" электрон хом ашё биржасида эса "Brent" русумидаги нефть 1,86 АҚШ долларига кўтарилди ва 82,68 АҚШ долларидан харид қилинди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ

2010 йил15 августдан бошлаб республика ички қатновида ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 Прейскуранти ставкаларига пасайтирувчи 0,95 коэффициенти,

янги темир йўли иштирокида ташиладиган нефть ва нефть маҳсулотларига ҳам пасайтирувчи 0,95 коэффициенти ва ички қатновда «Ангрен» халқаро логистика маркази иштирокида ташиладиган юклар учун 0,58 коэффициенти қўлланилишини маълум қилади.

ПУЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Истиқлол — улуғ неъмат. Унинг нурафшон ёғдуси қалбимиз, руҳиятимизни чароғон этган бўлса, бунёдкорлик ғояси кундалик ҳаётимизга бутунлай янгиликлар киритди. Мустақиллик даврини, бугунгидек фаровон дамларни орзу қилганлар эндиликда юрт равнақи, Ватан ободлиги йўлида меҳнат қилаётган бўлсалар, ёшларимиз орасидан келажагимизнинг муносиб эгалари етишиб чиқмоқда. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни тарбиялашга қаратилаётган беқиёс эътибор туфайли бугун ўзлигини намоён этаётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — ЁШЛАРИМИЗ!

Навоий давлат педагогика институти аспиранти, мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндори Ойбек Абдимўминов ана шундай ёшларимиздан биридир.

— Илм оламининг ноёб кашфиётлари, эришилган янгиданянги ютуқлардан бохабар бўлганинг сайин ўзинг ҳам изланишга, янгилик яратишга интилар экансан, — дейди О. Абдимўминов. — Шу боис ҳаётимни китобсиз, илмий тафаккурсиз, тадқиқотсиз тасаввур қила олмайман. Мазкур мавзуда даврий нашрларда чиқишлар қилдим. Шунингдек, "Зарафшон заминининг пири комили", "Бешигида авлиёлар ўсган Ватан" номли китобларим нашр этилди.

Болаликдан тарихий асарларни мутолаа қилишга қизиқманим боис аждодларимизнинг илмий-ижодий меросини ўрганишга интилдим. Ва бу жараёнда беназир ҳикматларга, ҳаётий сабоқларга дуч келдим. Мана улардан бири: айтишларича, Оллоҳ аёл вужудида мурғак ғўдакни яратаётганда унинг руҳиятига тўрт туйғуни қўшар экан. Буларнинг биринчиси адолат, иккинчиси ҳақиқат, учинчиси маъсумлик, тўртинчиси камолот туйғусидир. Илмий тадқиқотларга кўра, чақалокда аввал мия, кейин қалб шаклланар экан. Улар юқорида тилга олинган тўрт ҳолат ила қўшилиб, мукаммаллик касб этаркан. Ушбу ҳолатларнинг шаклланиши ва ривожланиши яна тўрт ҳолатга боғлиқ, булар: отаонанинг руҳий олами ва фарзанди тарбияси учун яратган шароити, иккинчиси, маънавий ғўзаллик, галдагиси боланинг ўзини англаши, тўртинчиси ва энг муҳими, ҳар қандай инсон атрофдагилар олдидаги масъулиятини англаши. Оллоҳ болани яратаётганда унинг руҳига маълум бир мойилликни ҳам сингдираркан. Бу мойиллик кейинчалик истеъдодга айланиб кетаркан. Агар ундаги бу хислат ота-она ва бола томонидан эртароқ англанса, унинг иқтидори ҳам эрта уйғонаркан. Тезроқ камолга етган бола эса жамият ривожига катта ҳисса қўшади...

Истиқлол фарзандлари

Ойбекни яқиндан билганларнинг айтишича, у камтар, камсуқум йигит. Қачон қараманг, китоб мутолаа қилаётган ёки нимадир ёзаётган бўлади. Ойбекнинг кутубхонаси ҳам ранг-баранг: бир тарафда ҳазрат Навоийдан тортиб давримизнинг машҳур ижодкорлари асарлари, бошқа томонда эса Бальзак, Толстойу Нодар Думбадзе китоблари терилган. Президентимиз асарлари, илмий қўлланмалар эса алоҳида жавонда. Бундай жавоҳирлар олами китобга қизиққан одамни эътиборсиз қолдирмайди. Шунга кўра, биз ҳам бу китобларнинг ажойиблигини, агар улар кўз қорачиғидек асралмаса, йўқолиб қолиши ҳақида гапирганимизда, суҳбатдошимиз ибратомуз бир гапни айтди: "Китоб йўқолиши эмас, уни ўқиб туриб, уқмаслик фожиа. Шу боис мен ўзимга ёққан жумлаларни нафақат ён дафтарларимга, шу билан бирга, қалбимга ҳам муҳрлайман", деб бизга бир нечта ён дафтарчасини кўрсатди. Дафтарларни варақлаймиз. "Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир. Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан ғурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан ҳам буюк эканига ишонч ҳосил қилади".

— Президентимизнинг мазкур қанотбахш сўзлари олам-олам эзгу орзулар сари интилаётган, ўқиб изланаётган, жамиятнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган минг-минглаб ёшларни бемисл даражада руҳлантиради, — дейди Ойбек Абдимўминов ён дафтаридаги кўчирилган жумлаларга изоҳ бериб. — Инсоннинг руҳияти кучли бўлсагина у ўз мақсадидан оғишмайди, ўзлигини унутмайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ҳар доим биз, ёшларни қўллаб-қувватлашлари бежиз эмас.

Ойбек ўз интилишлари самараси сифатида қўлга киритган илк ютуғини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Ўшанда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг "Камолот стипендияси" соҳиби бўлган ва бундан ҳам юксак чўққиларни забт этиши мумкинлигига ишончи ортганди. Шундай бўлди ҳам. 2005 — 2006 ўқув йилида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" грантини, орадан бир йил ўтгач, Навоий номидаги давлат стипендиясини қўлга киритди. Ёшлар йилида эса яна бир унутилмас воқеа рўй берди. Илм йўлидаги изланишлари муносиб рағбатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлди. Бу унинг учун билдирилган юксак ишонч рамзи, илм чўққиларини забт этишида қанот бўлувчи рағбатдир.

— Бугун биз, Ўзбекистон ёшлари шу жонажон юрт фарзанди эканлигимизни ҳар доим ҳис қилиб туришимиз керак, — дейди у. — Негаки, илгари биз чет элда ўқиб келган ёки хорижлик тенгдошларимизга ҳавас билан қараган бўлсак, истиқлол туфайли юзага келган шарт-шароит миллатимиз ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлади. Бугунги имкониятлар даврида ўқиб-ўрганмаслик, ўз иқтидорини намоён қилмасликни эса, гуноҳ деб биламан.

Дарҳақиқат, шундай. Ҳар қандай иқтидор эгасига агар эътибор берилмаса, у муносиб рағбатлантирилмаса, истеъдод булоғининг сўниши, инсоният қанчадан-қанча буюк кашфиётлардан бебаҳра қолиши муқаррар. Мустақил мамлакатимизда эса Ойбекка ўхшаган минглаб истеъдод соҳиблари борки, улар Президентимиз ғамхўрлигидан бахраманд бўлиб парвозга шайланмоқда. Буларнинг барчаси буюк келажагимизга қўйилаётган мустаҳкам пойдевордир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ОҒУШИДА

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 19 йиллиги олдидан ўтказилаётган ва "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари Наманган вилояти аҳлининг байрамолди кайфиятига ўзгача руҳ бағишламоқда.

Тадбир

Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежининг катта мажлислар залига тўпланган корхона ва муассасалар, маҳаллалар фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари сермазмун учрашувнинг гувоҳи бўлдилар. Республика Адлия вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу давра суҳбатида Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мустақилликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлиги, мамлакат ободлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидаги оламшумул ишлар юртдошларимиз ҳаёти, онгу тафаккурида улкан ижобий ўзгаришлар ясагани таъкидланди. Мулоқот давомида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури моҳиятидан келиб чиқиб белгиланган вазифалар ижроси, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда тарғибот тадбирларини кучайтириш масалалари атрофлича таҳлил этилди, олдинда турган вазифалар хусусида сўз юритилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

ТЕННИСДА ҲАМ ЎРНИМИЗ БОР

Мамлакатимизда спорт, хусусан, теннис жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Буни шу кунларда ракетка усталаримиз томонидан турли нуфузли чемпионатларда кўрсатилаётган ёркин ўйинлар, муҳим ғалабалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Чунончи, Россияда бошланган "Фьючерс" туркумидаги биринчиликда ҳамюртимиз Мурод Иноятов ҳам яккалик, ҳам жуфтлик баҳсларида муваффақиятли иштирок этмоқда. У дастлабки турда россиялик теннисчи Михаил Ельгинни икки сет ҳисоби (6:3, 7:6)га кўра мағлубиятга учратди. Шунингдек, жуфтлик йўналишида мезбон "дуэтдоши" Виталий Решетников билан бирга рақибларидан устун келди. Шунингдек, яна бир вакилимиз Важа Узоқовнинг россиялик Михаил Фуфигин билан ҳамкорликда кўрсатаётган ажойиб ўйинлари мухлису мутахассислар эътиборини тортди.

Бундан ташқари, ўзбекистонлик теннис усталаридан Виктория Карменова, Арина Фолс, Абдуворис Саидмуҳаммедов, Аҳмад Жамол Муҳаммад, Алан Гаджиев Қирғизистонда давом этаётган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро турнирнинг дастлабки босқичида зафар қучдилар.

ШАХМАТЧИМИЗ СОВРИНДОР

Юртдошимиз Алексей Барсов Испаниянинг Ситжес шаҳрида шахмат бўйича ташкил этилган "Вила де Ситжес" халқаро турнирида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Дунёда номдор бўлган 120 нафардан зиёд гроссмейстерни жамлаган мазкур "ақл жанглари"да ўзбекистонлик шахматчи испаниялик Сарто Рамос Анхел, Энрике Фернандес, Лайола Ориол, кубалик Ариян Перес Гонсалес, чилилик Луиз Рохас ва германиялик Маркус Ламмерсни мот қилган бўлса, мексикалик Хосе Гарсия Гонсалес ва арманистонлик Карен Мовесян билан муроса кўчасини танлади.

Якунда етти очко жамғаришга эришган Алексей Барсов ўзбек шахмат мактаби жаҳонда энг кучлилар қаторида туришини яна бир бор исботлади.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

Қадрият

«ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК»

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб "Ўлан айтгали келдик" деб номланган анъанавий фольклор санъати байрами бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият юритаётган фольклор ансамбллари иштирок этди.

Танловни ўтказишдан мақсад, мустақиллик шарофати билан қайта кўз очган миллий қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш, аждодлардан мерос ўлан ижрочилиги санъатини янада ривожлантириш, ёшларимизнинг ушбу санъатга бўлган қизиқишларини оширишдир.

Фольклор санъати байрамида қорақалпоғистонлик вакиллар Бақтберген Сиримбетов ва Саламат Аяпова, асакалик ва косонсойлик ўланчилар Марҳабо Сатторова ва Баҳодир Исмоилов, Ҳанифа ва Хайрулла Мирзаевлар, дийралишма ижрочилари хоразмлик Шаҳло Салаева ҳамда Отабек Маткаримовнинг чиқишлари, айниқса, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида фестиваль ғолиблари ва иштирокчиларига ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ҳусан БУРҲОНОВ.

«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

AGROBANK

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз

Мустақиллиги куни

билан самимий муборакбод этади!

Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга озодлик, халқимизга фаровонлик ато қилгани абадий бўлсин!

Шодиёна муносабати билан Ўзбекистон халқини табриклаб, «Агробанк» қуйидаги банк хизмат турларини таклиф этади:

Пластик карточка — замонавий ва ишончли тўлов воситаси!

Visa Card — дунё бўйлаб молиявий эркинлик!

Пул ўтказмалари — тез, оддий ва ишончли!

Депозит катакчалар — қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!

Пул омонатлари — даромадингизни кўпайтиришнинг синалган усули!

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган.

Саломатлик

Бухоро вилоятидаги қатор тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, маҳаллаларда Бутунжаҳон кўкрак сути билан боқишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга бағишланган ҳафталик доирасида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаяпти.

ОНА СУТИ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ана шундай тадбирлардан бири вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ташкил этилди.

— Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино она сутини қуёш нурига қиёслаган, — дейди мазкур марказ неонатологи Манзура Очилова. — Қуёш нури наботот олами учун нечоғли зарур бўлса, бола учун она сути ҳам шунчалик муҳимдир. Биз ҳафталик давомида ёш оналар онгига ана шу ҳақиқатни ҳаётий мисоллар асосида сингдиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг шу мавзудаги акцияларида йигирма минг нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мактаб ўқувчиларга мунтазир

Нукус тумани халқ таълими бўлимига қарашли 21-ўрта мактаб янги ўқув йилига пухта тайёрланди. Жорий йилда бу ерда 357 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Тараддуд

Мактаб синф хоналари ва спорт зали 102 миллион сўмлик компьютер, ўқув қуроллари, спорт анжомлари каби зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Янги ўқув йилини орзиқиб кутаётган бахтиёр ёшлар эндиликда синфлари ёруғ ва шинам бўлган замонавий мактабда билим олишади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (5 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Иқтисодий таҳлил департаменти директори Камол Парпиевга падари бузруквори **АХМЕТУЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОАЖ "ALSKOM" суғурта компанияси жамоаси масъул ходим Алижон Азимовга падари бузруквори **Эргаш АЗИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси Ҳамзахон Жўраевга волидаси **НАЗОКАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41762 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 4 5